



ТОҒ-КОН САНОАТИДАГИ ЛОЙИҲАЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев кўмир ва уран ишлаб чиқаришни кенгайтиришга қаратилган лойиҳалар тақдироти билан танишди.

Мамлакатимиз иқтисодиёти ва аҳоли ўсиши билан энергия қувватлари талаб ошиб бормоқда. Бу эhtiёжни таъминлаш учун барча манбалар қатори кўмир қазиб олиш ҳажми ҳам кенгайтирилмоқда. Охири беш йилда бу кўрсаткич йилига 4 миллион тоннадан 5 миллион 300 минг тоннага оширилди.

Ҳисоб-китобларга кўра, юртимиз ҳудудида қарийб 2 миллиард тонна кўмир захиралари мавжуд. Давлатимиз раҳбари бу салоҳиятдан самарали фойдаланиб, кўмир қазиб олиш ҳажмини изчил ошириш вазифасини қўйган эди.

Тақдиротда шу борада қилинётган ишлар ҳақида ахборот берилди.

Хусусан, жорий йилда "Шарғункўмир" акциядорлик жамиятини модернизация қилиш лойиҳаси якунланди. Бунинг эвазига юртимизда юқори сифатли кўмир қазиб олиш қуввати 900 минг тоннагача ошди.

Президентимиз "Шарғун" ва "Бойсун" конларини ўзлаштириш орқали юқори сифатли кўмир ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш имконияти

борлигини кўрсатиб ўтди. Бу конларга инвесторларни жалб қилиб, янги лойиҳаларни амалга ошириш зарурлигини таъкидлади.

Юртимиз тоғ-кон саноати ривожидан яна бир муҳим манба бу — уран. 2022 йил 14 июлда "Навоийурани" давлат корхонасида уран қазиб олиш ҳамда қайта ишлаш ҳажмини ошириш бўйича Президент қарори қабул қилинган эди. Хусусан, уни қазиб чиқаришни 2030 йилгача 2 баробарга ошириб, 7,1 минг тоннага етказиш чоралари белгиланган.

Йиғилишда ушбу чора-тадбирлар ижросига алоҳида эътибор қаратилди.

Франциянинг "Orano Mining" компанияси билан биргаликда амалга оширилаётган лойиҳалар бўйича маълумот берилди. Президент ушбу ҳамкорлик доирасида уран қазиб олиш ва қайта ишлаш самарадорлигини ошириш, қўшимча янги конларни аниқлаш бўйича лойиҳаларни жадаллаштириш юзасидан кўрсатмалар берди.

ЎЗА

Ҳажми йўқолиб олган сурат.



14 ЯНВАРЬ – ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ

Қуролли Кучларимиз Соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг "Миллатнинг дардига дармон бўлмоқ — чин вазифангиздур", деган эзгу даъватини ўзига шиор қилиб олди. Улар халқимизга янада яқин бўлиб, сафарбарлиқни ошириб, қисқа муддатларда ўз олдига қўйилган муҳим вазифаларни муносиб адо этганини барчамиз чексиз миннатдорлик билан қайд этамиз.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ТАРИХИМИЗ ИБРАТИ БУЮК БОБОМИЗ — АМИР ТЕМУР ДУНЁ ХАЛҚЛАРИ УЧУН ҚАНДАЙ МЕРОС ҚОЛДИРГАН ЭДИ?

Ҳаётда инсонларни бирлаштирувчи ҳодисалар кўп. Гоҳи шодлик, гоҳи қайғу бирлаштиради. Яна бир қудратли куч борки, у она алласи билан қалбимизга сингади, бу — ватанпарварлик туйғуси. Она Ватанга муҳаббат ва унинг раънақи, тинчлиги, фаровон ҳаётга бўлган интилиш ҳам бутун мамлакат фуқароларини ягона мақсад йўлида бирлаштириши айна ҳақиқат.

Агар Ватанга муҳаббат туйғусини, унинг қудратли жозибасини бутун вужудингиз билан ҳис қила олсангиз, шунда қалб тарбияси камолга етаётган бўлади. Бу билан биз Янги Ўзбекистонимиздаги ҳарбий-ватанпарварлик руҳининг бош асоси, буюқ тарихимизнинг ибрати ҳақида гапирмоқчимиз.

Дунё тобора таҳликали тус олмоқда. Ҳаёт ва яшаш мезонлари ўзгариб, инсоният боши кўп ташвишлар билан сирқирамоқда. Шундай замонда яшаш бизнинг чекимизга тушган экан, аввало, бугун ҳар бир тинч отаётган тонгимиз, осойишта ўтаётган кунимиз учун минг бор шукрона айтаемиз.

Давоми 3-бетда

БУГУННИНГ ГАПИ

Мамлакатимиз тараққиётининг бугунги босқичида иқтисодиётни эркинлаштириш ва модернизациялаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш ишлари изчил давом этмоқда. Бундай эзгу ишлар самараси шаҳар ва қишлоқлар ободлиги, ҳар бир оиладаги ўзгаришлар мисолида бўй кўрсатиб турибди. Бунда ҳар бир ҳудуднинг имкониятлари, истиқболдаги режалари инобатга олинмоқда.

ЮҚОРИ ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТ ФАРҒОНАДА УНДАН ФОЙДАЛАНИШ ДАРАЖАСИ ҚОНИҚАРЛИМИ?



Президентимиз раислигида шу йил 10 январь куни саноатни ривожлантириш ҳамда қўшимча захираларни аниқлаш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида соҳага зарур шароит яратиш мақсадида сўнгги йилларда 19 та эркин иқтисодий зона ва 400 дан зиёд кичик саноат зонаси ташкил этилгани, уларнинг инфратузилмасига 10 триллион сўм йўналтирилгани эътироф этилди. Ана шундай ишлар натижасида охири беш йилда саноат корхоналари сони 2 баробар кўпайиб, 100 мингга етди, ишлаб чиқариш ҳажми эса 1,4 баробар ўсди.

Давоми 4-бетда

ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ

ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИСИ ҚАНДАЙ ФАЗИЛАТЛАРГА ЭГА БЎЛИШИ ЛОЗИМ?

Иқтисодиётни ривожлантириш жараёни давлат хизматчиларининг малакасини ошириш соҳасидаги янги вазифаларни белгилаб бериши билан изоҳланади. Шу боис, юртимизда самарали, халқчил ва жамиятимиздаги ўзгаришларга мослашувчан давлат хизмати тизимини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимиз Мурожаатномасида бу йўналишдаги ислохотларни изчил давом эттириш, ихчам ва самарали давлат бошқарув тизимига ўтиш борасидаги устувор вазифалар белгилаб берилди.



Давоми 2-бетда

ШУКРОНАЛИК

ФАРАҲБАХШ КУНЛАР ҚАДРИ

Аллоҳ таоло томонидан берилган энг буюк неъматлар, шубҳасиз, ҳуррият, офият, соғлиқ ва тинчликдир. Зеро, улар эътибор топган жамиятда миллий ва умуминсоний қадриятлар, урф-одатлар камол топади. Виждон эркинлиги, эътиқод ҳамда фикр эркинлиги ҳаётда муҳим ўрин тутди. Чунки ҳар бир инсон эътиқод борасида эркин, ҳурфикр бўлсагина, амали тўғри, рушди ҳидоятда ҳисобланади.



Бугун одамлар тобора ҳақхуқуқи, эркинлигини англаб бормоқда ва табиийки, улардан ҳаёти мобайнида унумли фойдаланишни истади. Шу

маънода, умуминсоний қадриятлар, миллий, диний ва ижтимоий байрам ҳамда урф-одатларга бўлган эътибору эҳтиром ҳам юксалмоқда.

Кўп миллат ва эътиқодда бўлган халқимиз ўзаро ҳамжиҳатлик ҳамда иноқликда узоқ муддатдан буён аллома Ҳаким Термизий "инсоннинг асосий бойлиги", дея таъриф берган маърифат асосида яшаб келмоқда.

2022 йил 16-20 май кунлари мамлакатимизда диний бағрикенглик тамойилининг эркин намунаси ҳисобланган "Декларациялар мупоқоти" халқаро форумининг ташкил этилиши ҳамда унинг натижалари асосида "Бухоро декларацияси" қабул қилиниши юртимиздаги диний бағрикенгликнинг узоқ тарихи борлигини исботлаб берди. Буюк саркарда Амир Темур даврида Самарқандда турли дин вакиллариини жамлаб, уларнинг ўз урф-одат ва қадриятларига мос эҳтиром кўрсатилгани тарихий манбаларда таъкидланади.

Давоми 6-бетда

САРҲИСОБ

НАВОИЙ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ:

ИЛҒОР ҒОЯ ВА ТАШАББУСЛАР ЮТУҚЛАР КАФОЛАТИ

Ҳар бир йил якунларан экан, ўтган вақт давомида амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилиш ва келгусидаги режаларни белгилаб олиш соҳа ривожига муҳим аҳамият касб этади. Эришилган ютуқлар, ижтимоий-иқтисодий ўсиш суръатларини ҳисобга олган ҳолда, 2022 йил навоийликлар учун ҳам салмоқли ва эсда қоладиган йил сифатида тарих саҳифасидан жой олди, десак янглишмаган бўлаемиз. Албатта, бунда вилоятдаги иқтисодий зоналар ва йирик ишлаб чиқариш корхоналарининг ҳиссаси катта.

Хусусан, "Навоий кон-металлургия комбинати" акциядорлик жамияти республикамиздаги энг йирик корхоналардан бири. Бугунги кунда 46 минг нафардан ортиқ ишчи-ҳодим меҳнат қилаётган ушбу саноат корхонаси 2022 йилда улкан ютуқларга эришди ва иқтисодий салоҳияти, юқори кўрсаткичлари билан нафақат мамлакатимиз, балки дунё миқёсида етакчилар сафидан ўрин эгаллади.

Давоми 4-бетда



ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ

ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИСИ ҚАНДАЙ ФАЗИЛАТЛАРГА ЭГА БЎЛИШИ ЛОЗИМ?

Шоядбек БОБОЕВ,
Иқтисодиёт ва молия
вазирлиги бошқарма бошлиғи

Бошланиши 1-бетда

Айтиш жоизки, бу борада кўзланган натижаларга эришиш, “**Аввал — инсон, кейин — жамият ва давлат**”, деган эзгу тамойилни рўёбга чиқаришда давлат фуқаролик хизмати тизимида фаолият юритаётган ҳар бир ходимнинг нафақат касбий маҳорати, билим ва салоҳияти, шу билан бирга, унинг одоб-ахлоқи ҳам муҳим мезондир. Давлат хизматчиси ўз фаолиятида ибратли ишлари, янгича ташаббус ва ғоялари билан бир қаторда юриш-туриши, атрофидаги одамлар билан муносабати ва муомаласи, фуқароларнинг оғирини енгил қилиш, масъулиятни ўз зиммасига ола билиш, шахсий ташаббус кўрсатиш каби муҳим фазилатлари билан ҳам бошқаларга ўрнак бўлиши лозим. Қолаверса, ёш авлодни ватанпарварлик, миллий қадриятларга ҳурмат, жамиятимизда рўй бераётган жараёнларга алоқадорлик руҳида



тарбиялашдаги роли ва иштироки яққол сезилиб туриши мақсадга мувофиқ.

Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 14 октябрдаги “Давлат фуқаролик хизматчилари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори билан давлат фуқаролик хизматчилари одоб-ахлоқининг намунавий қоидалари тасдиқланган. Ушбу қоидаларда давлат хизматига юксак касбий маданиятни шакллантириш, жамоатчилик онгида давлат хизматига бўлган ҳурмат ва ишонч-ни ошириш ҳамда ахлоқ қоидаларига зид бўлган хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш назарда тутилган. Қонунийлигини таъминлаш, Ватанга садоқат ва хизмат вази-фасига фидойилик, ижро интизомига қатъий риоя этиш, фуқаролар ҳуқуқлари, эркин-ликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги, давлат ва жамият манфаат-ларига содиқлик, адолатлилик, ҳалоллик ва ҳолислик, коррупциявий ҳолатларга муросасиз муносабатда бўлиш, мансаб ваколатларини суиистеъмол қилмаслик, манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик каби принциплар ушбу қоидаларнинг асо-си деб белгиланган.

Давлат хизматчилари меҳнат фаолияти давомида ва ишдан ташқари вақтда давлат хизматининг обрўсига путур етказиши мум-кин бўлган хатти-ҳаракатлардан тийилиш, ахлоқ нормаларига доимий риоя қилиш, масъулият, қасбига садоқат ва ҳалоллиқни қундалиқ шioriга айлантиришга, элнинг розилигини олишга эришад. Қолаверса, ҳамкасбларига қўмаклашиш, ҳушмуома-лалик, эътиборлилик ва ҳушёрлик билан фуқароларда давлатга нисбатан ишонч ва ҳурмат ҳиссини уйғотиш, оиласида соғлом



муҳитни таъминлаб, оила аъзоларига доимий ғамхўр бўлиш, фуқароларнинг ижти-моий келиб чиқиши, иқтисодий аҳволи ва бошқа омилардан қатъи назар, улар би-лан бир хил, самимий, одоб доирасида му-носабатда бўлиш каби умумий қоидаларга амал қилиши лозим.

Давлат хизматчиси ўз фаолиятини бел-гиланган тартиб ва меъёрлар асосида

олиб бориши, ўзидаги юксак инсоний фа-зилатлар билан одамларга манзур бўлиши зарур. Шунда унинг фаолияти самарали бўлади, қолаверса, у орқали одамларнинг давлатга, эртанги кунга ишонч ва умиди мустаҳкамланади.

Мамлакатимизда давлат фуқаролик хизматини ташкил этиш борасида бир қатор ютуқларга эришилган бўлса-да, афсус-ки, давлат бошқарувидаги айрим раҳбар ходимларнинг турли даражада ўз хизмат вази-фасини суиистеъмол қилиш ҳолатла-ри ҳам учраб турибди. Бу каби иллатлар-нинг ижтимоий сабабини аниқлаш, уларни келтириб чиқараётган омилларни таҳлил этишни ҳамда ана шундай шахсларга нисбатан кескин чора қўриш зарурлигини даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Бугунги кунда давлат хизматчиси та-шаббускор, билимдон, юксак маданият-ли, ҳалол ва ўз касбининг устаси бўлиши талаб этилади. Бундай ҳодим ҳар қандай вазият ва шароитга тўғри ёндаша олади, ҳодиса ва воқеаларга дадил, одил ва холи-сона баҳо беради, ҳақиқий талаб ва адо-латли иш услубини вужудга келтиради.

Давлат хизматчисининг фазилатла-ри тушунчаси Ўзбекистон Республикаси бошқарув тизимида ҳали кўп тадқиқ этил-маган, қонуний асослари босқичма-босқич шаклланиб бораётган бўлса-да, ўзбек дав-латчилик тарихида бу соҳада кўплаб маъ-лумот ва амалиётлар мавжуд. Жумладан, Абу Наср Форобий “Шаҳарни бошқариш” асарида ўз даври ва кейинги давр давлат хизматчиси учун лозим бўлган 12 фазилат ва хислатни келтириб ўтган. Асарда кел-тирилишича, раҳбар киши соғлом, суҳбат-дошининг фикрларини тез тушунадиган,

фикрини равшан тушунтира оладиган, нафсини тия биладиган, адолатли, билим-ли, ориятли, қатъиятли бўлиши керак.

Буюк мутафаккир ва давлат арбоби Алишер Навоий фикрларига назар таш-лайлик: “Одамий эрсанг, дематил одами, Ониким, йўқ халқ ғамидин ғами”. Улуғ бо-бомиз бу фикри билан ҳаётда инсонлар-нинг дарду ташвишларини, халқ ғамини ўйламай яшайдиган ҳосиятсиз инсонни одамлар қаторига қўйиш мумкин эмасли-гини таъкидлаган.

Соҳибқирон бобомиз Амир Темурнинг “Темур тузуклари” давлат бошқаруви ва давлат хизмати ривожланиши учун му-ҳим аҳамиятга эга. Ундаги тавсиялар, ай-ниқса, давлат хизмати соҳасида фаолият юритувчи хизматчилар учун таъкидлан-ган сифатлар бугунги кунда ҳам долзарб ҳисобланади. Маълумки, Амир Темур “Куч — адолатда” деган ҳикматга қатъий таянган ҳолда мамлакатни бошқарган. Мазкур шiorга ўзи амал қилиш билан бирга, вазирларни ҳам шунга ундаган. Бошқарув органлари раҳбарларига ва барча давлат хизматчиларига қўйилган сифатлар айнан шу ҳикматдан келиб чи-қиб шаклланган, дейиш мумкин.

Амир Темур ўғитларида ҳукмдор то-монидан мансабдор шахсларни танлаб олиш ва уларни ўз жойига қўйиш қоби-лияти — давлатни бошқариш ва мустаҳ-камлашнинг бош шарт, деб ҳисоблаган. Жумладан, “Темур тузуклари”да таъкид-ланганидек, вазир лавозимига номзод фуқаролар қуйидаги тўрт фазилатга эга бўлиши зарур. Биринчиси — асиллик, тоза наслилик, иккинчиси — ақл, фиро-сатлилик, учинчиси — аҳоли кайфияти-дан бохабар бўлишлик, ҳушмуомалалик, тўртинчиси — сабр-қидамлилик ва тинч-ликсеварлик. Таъкидлаш лозимки, бундай фазилат эгаси бўлган давлат хизматчи-лари ҳозирги кунда ҳам юксак кадрланади, уларни тайёрлаш ва жой-жойига қўйиш муҳим вази-фа ҳисобланади.

“Давлат фуқаролик хизмати тўғриси-да”ги қонунда давлат фуқаролик хизма-ти кириш танлов асосида номзодни давлат фуқаролик хизмати лавозимига тайинлаш орқали амалга оширилиши мус-таҳкамлаб қўйилган. Номзоднинг алоҳи-да қобилиятлари, шу жумладан, унинг касбий-маънавий фазилатлари ва ало-ҳида хизматларини ҳолисона ва адолат-ли баҳолашда меритократия, яъни “энг қобилиятли одамлар етакчи ўринларни эгаллаши керак” тамойили қўлланилаёт-гани танлов жараёнининг самарали бўлишига замин яратмоқда. Қолаверса, раҳбарлик лавозимларини малакали ва етук кадрлар билан тўлдириш мақсадида давлат фуқаролик хизматчиларини мар-казлаштирилган ҳолда танлаб олиш, тай-ёрлаш, қайта тайёрлаш ва муттасил ра-вида малакасини ошириш тизими йўлга қўйилди.

Дарҳақиқат, давлат фуқаролик хизмати муносабатларида давлат хизматчисининг одоб-ахлоқи ва унинг юқорида таъкид-ланган фазилатлари муҳим ўрин тутади. Зеро, давлат хизматчисининг ахлоқий фа-зилатларини тарбияламай, унинг шахсий ва касбий қобилиятини ривожлантирмас-дан туриб, улардан самарали фаолият ва натижани кутиб бўлмайди. Давлат хиз-матчиси аҳолини қийнаб келаётган муам-молар ечимини таъминлайдиган инсон, у ҳалол ва адолатли, хизмат вази-фасига садоқат ва масъулият билан ёндашади-ган, аҳоли билан мулоқотда ҳар томонла-ма ўйлаб иш тутиш, муомала қоидалари-га риоя қилиш фазилатларига эга бўлиши лозим. Бундай кадрларнинг ҳаёт тамо-йилида зугулик, бунёдкорлик, ҳалоллик, адолат устувор бўлади. Аслида ҳам ана шундай инсоний ақида ҳар бир давлат хизматчиси фаолиятида намоён бўлиши лозим. Чунки ахлоқ инсоннинг шахсий қадрияти сифатида унинг фаолиятига кў-чади, ҳаёт мазмунига ва самарали кунга айланади.

Тараққий этган давлатларда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, жамият ривожини юксалтириш борасида юқори натижаларга эришилишининг асосий сабабларидан бири бу — самарали ва рақобатбардош давлат апаратининг мавжудлиги. Сўнгги йилларда Ўзбекистонда ҳам бу йўналишда муҳим ислохотлар амалга оширилмоқда.

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ТИЗИМИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ЖАМИЯТИМИЗДА ОЧИҚЛИК, ҚОНУНИЙЛИКНИ ТАЪМИНЛАЙДИ, ИНСОН ОМИЛИГА ЭЪТИБОРНИ КУЧАЙТИРАДИ

Бобур АБДУЛЛАЕВ,
Давлат хизматини
ривожлантириш
агентлиги масъул ходими

Президентимиз 2022 йил 20 де-кабрь куни Олий Мажлис ва Ўзбе-кистон халқига Мурожаатномаси-да бу масалаларга яна бир қарра эътибор қаратди. Мурожаатнома-да эришилган муваффақиятлар, ортда қолаётган йил якунлари ва 2023 йилга мўлжалланган режалар эълон қилинди. Шу билан бирга, юртимизни сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий модернизация қилиш-нинг устувор йўналишлари белги-лаб берилди.

Давлатимиз раҳбари 2023 йил-даги олтига устувор йўналишга тўхталиб ўтар экан, биринчи йўна-лиш сифатида ихчам ва самарали давлат бошқарув тизимига ўтишни таклиф қилди.

Маълумки, Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан кўплаб соҳалар-да бўлгани каби давлат бошқаруви ҳам мутлақо янгича йўналиш касб этди. Мамлакатни янада ривож-лантириш, турғунликда қолиб кет-ган соҳаларни оёққа турғузish учун аниқ ёндашув талаб этиларди. Пре-зидентимиз ўз Мурожаатномасида бун “Олдинлари эътибордан четда қолиб, “йўқ бўлиб кетиш” арафасида бўлган соҳаларни оёққа турғузish учун олти йил давомида янги вазирлик ва идо-раларни ташкил қилишга тўғри келди”, деб таъкидлагани давлат сиёсатининг шу даврдаги вазияти-ни ифодалайди.

Энди эса маъмурий ислохотлар-нинг янги нафаси бошланмоқда.

“ЎТГАН ИККИ ЙИЛ ДАВОМИДА ПОРТАЛГА 78 ДАВЛАТ ОРГАНИ ВА ТАШКИЛОТИ, БАРЧА ҲОКИМЛИКЛАР УЛАНГАН, УЛАР ТОМОНИДАН ВАКАНТ ЛАВОЗИМЛАР УЧУН 140 МИНГДАН Ортиқ ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН, УЛАРДА 1,3 МИЛЛИОН НОМЗОД ИШТИРОК ЭТГАН.

Президентимиз “қўл бошқаруви”-дан аниқ натижага ишлайдиган ти-зимли бошқарувга ўтиш, ҳозирги кунда давлат аппаратида тақ-роқлан-иш кўплиги, кераксиз штатлар борлигини алоҳида таъкидлади. Марказлашувнинг юқорилиги оқи-батиде бугунги мураккаб маса-лаларга тўғри ечим топиш учун ортиқча вақт, куч ва ресурс сарф-ланаётганини қайд этди. Шу боис, босқичма-босқич давлат ташкилот-лари тизимини ислох қилиш даври келганини эътироф этди. Бу ҳақда давлатимиз раҳбари шундай деди: “Биринчи босқичда вазирлик-лар ислох қилинади, Ҳукумат иш услуби ҳам тубдан ўзгаради. Энг



аввало, вазирлик ва идоралар сони ҳозирги 61 тадан 28 тага ка-майтирилади...

...Кўп вазирлар ўзгаради. Ўз соҳасининг чуқур билимдони, фидойи ва ишдан халқ рози бўлаётган вазирлар лавозимида қолади. Уйлайманки, бундай ён-дашув адолатли бўлади”.

Шу ўринда Соҳибқирон Амир Темурнинг “Ҳокимлар, сипоҳ ва раиятдан қайси бирининг халққа жабр-зулм етказганини эшитсам, уларга нисбатан дарҳол адолати инсоф юзасидан чора қўрдим”, деган хитоби ёдимизга тушади. Адолат ва ҳалоллик принциплари устувор жамият тараққий топиши шубҳасиз.

Албатта, тараққий этган давлат-лар тажрибасига назар ташласак, давлат бошқарувининг ихчамлиги, ўхшаш соҳаларнинг ягона тизимга бўйсунishi ва бошқарувини кура-миз. Мамлакатимиздаги маъмурий

нийлик, натижадорлик ва сифат асосий мезон бўлади”, деб бежиз таъкидлаб ўтмади. Мамлакатимиз-да янги маъмурий ислохотларни амалга оширишдан асосий мақсад ҳам барча соҳаларда самарадор-лик ва натижадорликка эришиш ҳи-собланади. Давлат хизмати сифа-тини ошириш ва натижадорлиқни кучайтириш, давлат органларини самарали ишлаши учун ҳуқуқий, сиёсий ва ташкилий чораларни таъминлаш давр талабига айлан-моқда.

Мурожаатнома маъмурий ис-лохотларнинг тамал тоши сифа-тида қўйилган бўлса, орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, “Янги Ўзбекис-тон маъмурий ислохотларни амалга ошириш чора-тадбирла-ри тўғрисида”ги Президент фар-мони ҳамда “Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотлари доира-сида республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолияти-ни самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Хужжатга қўра, маҳаллий давлат ҳокимияти органларини 2023 йил 1 апрелга қадар ислох қилиш бўйича чоралар қўрилиши таъминланади.

2020 йилдан буён давлат ташки-лотларида мавжуд вакансияларни танлов асосида тўлдириш амалиё-ти Давлат фуқаролик хизматчила-ри вакант лавозимлари ягона очик портали — vasaps.argos.uz орқали амалга оширилмоқда.

Утган икки йил давомида портал-га 78 давлат органи ва ташкилоти, барча ҳокимликлар уланган, улар томонидан вакант лавозимлар учун 140 мингдан ортиқ танлов эълон қилинган, уларда 1,3 миллион ном-зод иштирок этган.

Айни пайтда давлат органи ва ташкилотларининг ташкилий ту-зилмалари ҳамда штат бирликлари қайта тасдиқлангандан сўнг вакант лавозимларга танловлар ўрнатил-ган тартибда янада тақомиллаш-тирилган vasaps.argos.uz портали орқали эълон қилинади ва давом эттирилади. Бундан кўзланган асо-сий мақсад одамларни беҳуда ово-ра қилмаслик. Мазкур муддат даво-мида тегишли ташкилотлар билан штатлар қайта қўриб чиқилади. Қерда очик жой қолган бўлса, тан-ловлар эълон қилинади.

Муҳтасар айтганда, сўнгги йил-ларда Янги Ўзбекистонни барпо этишнинг муҳим шарти ҳисоблан-ган самарали фаолият юритувчи бошқарув тизимини шаклланти-риш бўйича кенг қўламли маъму-рий ислохотлар амалга оширилди. Мазкур ўзгаришлар эса мамлакат тараққиётида янги даврни бошлаб бериши шубҳасиз. Имом Мотурид-дий бобомизнинг “Элу юрт билан ҳамдард бўлиб яшагин, токи халқ ҳамisha сен билан бирга бўлғай”, деган ҳаётий ҳикмати эса ҳар биримизнинг ҳамроҳимизга ай-лансин!

ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

ШАҲАР ИЧИДАГИ ШАҲАР ЖОЙЛАРДА БУНЁД ЭТИЛАЁТГАН “ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” МАССИВЛАРИГА ШУНДАЙ ТАЪРИФ БЕРИШ МУМКИН

Сўнгги йилларда мамлакатимиз-да ипотека дастурлари асосида 140 мингдан ортиқ хонадонли уй-жойлар барпо этилди. Бу аввалги йилларга қараганда ўн баробар кўп. Мазкур йў-налишга алоҳида эътибор қарати-либ, ишлар кўлами ортгани бежиз эмас, албатта. Зеро, инсон қадрини улуглаш, улар учун муносиб турмуш шароити яратишнинг энг муҳим омилли бевоСИТА аҳолини уй-жой би-лан таъминлашга боглиқ. Шу боис, мамлакатимизда замонавий уй-жой-лар барпо этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Уйлар атрофида за-монавий инфратузилма, ижтимоий объектлар, хизмат кўрсатиш мас-канлари барпо этилган.

Давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 9 декабрдаги “Янги Ўзбекистон” мас-сивларини қуриш ва ҳудудларнинг иж-тимоий-иқтисодий ривожланишини

таъминлаш чора-тадбирлари тўғриси-да”ги фармони билан юртимиз ҳудудла-рида барпо этилаётган “Янги Ўзбекис-тон” массивлари ҳам аҳолини замонавий ва сифатли уй-жойга бўлган талабини қондиришда муҳим ўрин тутмоқда.

Президентимизнинг бевоСИТА та-шаббуси ва кўрсатмаси билан Чирчиқ шаҳрининг фойдаланилмаётган ҳуду-дида “Янги Ўзбекистон” массиви бунёд қилинаётир. Шаҳар ичидаги шаҳар қурилишига эга бўлаётган мазкур массив-даги турар жой мажмуасининг биринчи босқичида 14 кўп қаватли уй, яъни 720 хонадон ўз эгаларига топширилди.

— Президентимиз Чирчиқ шаҳрига келганида аҳоли вакилларига ана шун-дай замонавий уйлар қуриб берилиши-ни айтган эди, — дейди меҳнат фак-рийси Раҳматилла Нурбоев. — Орадан кўп вақт ўтмай, шаҳримизда замон та-лабларига жавоб берадиган муҳташам, кўркам, шинам уй-жойлар бунёд этил-



ди. Хонадон калитларини қўлига олган инсонларнинг қувончи чексиз. Айниқса, биринчи марта ўз уйига эга бўлган ёш-ларнинг хурсандчилиги, хаяжонини сўз билан ифодалаб бўлмайди. Буларнинг бари давлатимиз раҳбарининг фуқаро-

ларимиз ислохотлар самарасини бугун ўз турмуши мисолида қўриши кераклиги ҳақидаги гаплари ҳаётда ўз инъикосини топаётганидан далолат.

Кўп қаватли уй-жойларда муҳандис-лик, транспорт, коммуникация, ижти-

моий, ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари мужассамлашган. Айни пайтда Чирчиқ шаҳрида 980 ўрин-ли мактаб, 350 ўринли мактабгача таъ-лим ташкилоти, оилавий поликлиника ҳамда тўқимачилик фабрикаси қурили-ши бошлаб юборилди.

— Чирчиқ шаҳрида аввал бундай ба-ландликдаги кўп қаватли уйлар қурил-маган, — дейди Халқ депутатлари Чир-чиқ шаҳар Кенгаши депутати Алишер Абдуллаев. — Худудда етти, тўққиз, ўн икки, ўн олти қаватли уйлар қад кўтар-ди. Хонадонларда барча шароитлар яратилган. Фуқароларимиз уйларига кўчиб кирди. Инсон қадрини ушундай асосида ушбу мажмуада яратилаёт-ган шарт-шароитлар юртдошларимизга манзур бўляпти.

Турар жойларда қуёш панеллари ҳам ўрнатилган. Улар уйлардаги йўлаклар-ни ҳамда лифтларни электр энергияси билан таъминлайди. Электр таъмино-ти узилиб қолган тақдирда ҳам мавжуд электрогенераторлар уйларни узлуқсиз электр энергияси билан таъминлаш им-конини беради.

— Уйимиз йўқлиги сабаб турмуш ўр-тоғим ва фарзандларим билан саккиз йил ижарама-ижара, сарсон-саргардон бўлиб яшадик, — дейди Гулноза Қурбо-нова. — Шуқри, “Янги Ўзбекистон” мас-сивидан уй олдик. Хонадонимиз кенг, жуда шинам, барча қўлайликларга эга. Катталар ва болажонларнинг жисмоний

тарбия билан шуғулланиши учун уйлар олдидаги майдончаларда аттракцион-лар ва спорт жиҳозлари ўрнатилган, югуриш йўлакларини ташкил қилинган. Хонадонимиз ва уйлар атрофида яратил-ган ана шундай шароитларни қўриб, қийинчиликларимиз ортда қолганидан хурсанд бўлам.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, 2023 йилда Чирчиқ шаҳридаги “Янги Ўз-бекистон” массивида яна 15 кўп қаватли уй фойдаланишга топширилиши режа-лаштирилган.

— Массивда хотин-қизлар бандлиги-ни таъминлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилляпти, — дейди Чирчиқ шаҳар ҳокими ўринбосари Юлдуз Жу-маева. — Бунинг учун кўп қаватли уй-ларнинг ертўлаларида тикувчилик цех-лари ташкил этиш кўзда тутилган. Бу эса аёлларнинг бандлигини таъминлаш орқали уларнинг уй-рўзгордан ортиб, яхши даромад топишига имкон яратяди.

Ҳа, “Янги Ўзбекистон” массивлари комплекс ривожланиш тамойиллари асосида юртимизнинг бошқа ҳудудла-рида ҳам барпо этилмоқда. Турар жой-ларда барча шароитлар яратилмоқда, ижтимоий объектлар қуриляпти. Бу эса фуқароларнинг ҳаётдан рози бў-либ, бахтли ва фаровон яшаши учун замин яратяди.

Шаҳзод ҒАФФОРОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

14 ЯНВАРЬ — ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ

Кейинги йилларда амалга оширган туб ислохотларимиз туфайли тарихан қисқа даврда Ўзбекистон Республикаси суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини, сарҳадларимиз дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилишга қодир бўлган, тезкор ва ихчам миллий армияни ташкил этишга эришмоқдамиз.

Ана шундай буюк тарихий жараёнда халқимизнинг ҳарбий соҳадаги бой меросига таяниб, Жалолиддин Мангуберди, Соҳибқирон Амир Темур, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби буюк саркарда боболаримизнинг жанговар анъаналарини муносиб давом эттириб келаётган, жисмоний ва маънавий етук, замонавий билим, қурол-яроғ ва техникаларни пухта эгаллаган, давлат ва халқ манфаатлари учун ҳар қандай синов ва машаққатларни енгиб ўтишга тайёр бўлган ҳарбийларимиз доимо фаол иштирок этиб келаётганлари ҳар қандай юксак эътирофга муносибдир.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ТАРИХИМИЗ ИБРАТИ

БУЮК БОБОМИЗ — АМИР ТЕМУР ДУНЁ ХАЛҚЛАРИ УЧУН ҚАНДАЙ МЕРОС ҚОЛДИРГАН ЭДИ?

Бошланиши 1-бетда

Ҳар биримиз тинчликпарвар кучлар ҳақида биламиз, ҳеч курса, эшитганмиз. Уларнинг мақсади эзгу — дунёда тинчлик ҳукм суриши. Кейинги йиллар Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида яратётганимиз — Янги Ўзбекистонда ҳам мана шундай эзгулик кучи улғайиб, бугун дунёни ўзига ром эта олди! Бу фикримизнинг бир қанча асослари бор.

Биринчи асос: биз янги ва замонавий давлат бошқарувида буюк боболаримиздан мерос бўлиб келаётган адолат йўлини танладик.

Иккинчи асос: Соҳибқирон бобомиз Амир Темурнинг “Миллатнинг дардида дармон бўлмоқ — чин вазифангиздур”, деган эзгу даъватини ҳаётимиз шioriга айлантирдик.

Учинчи асос: яқин-йироқ давлатлар билан дўстона алоқаларни мустаҳкамлаб, бутун дунё халқлари манфаати учун бирдек дахлдор халқро ташаббусларни илгари сура бошладик.

Тўртинчи асос: мана шу ташаббусларнинг туб моҳияти тинчлик ва фаровонлиқни таъминлашга қаратилганини теран англаган дунё дипломатияси Янги Ўзбекистон ва бу тароватли мамлакат Президентини қўлаб-қувватлашга киришди.

Шу ва яна бошқа бир қатор асослар “Янги Ўзбекистон руҳи” сифатида тан олинди, бугун халқимизга зўр қудрат, ватанпарварлик туйғусини бағишламоқда. Бугун, Ватан ҳимоячилари байрами арафасида халқимизнинг, буюк боболаримизнинг яна бир яшовчан салоҳиятини ёдга солганимиз келади.

Халқимиз кўп синовлардан ёруғ юз билан ўтди. Бугунги кунларга етгунча не-не қажватқич зарбаларга учрамади. Шу билан бирга, дунёга “Тамaddon ҳодисаси”ни ҳам мерос қолдирди. Гап шу ҳақда борар экан, буюк бобомиз Амир Темурнинг ҳарбий меросини тилга олиш ўринли бўлади.

Амир Темур — буюк ҳарбий саркарда, стратег, илм-фан, маданият ҳомийси, “Темурийлар Ренессанси” асосчиси. Соҳибқироннинг муваффақиятли ғалабалари, олиб борган чуқур ўйланган стратегия ва тактикалари эса мутлақо ноёбдир.

Амир Темур меросидаги стратегик асар “Темур тузуклари”нинг бугунги кундаги аҳамиятига Президентимиз Шавкат Мирзиёев алоҳида



олий даражага кўтариш борасидаги амалий ҳаракатларимиз пойдеворида айланган”, дея бугунги кундаги адолатни барча соҳада кенг йўлга қўйиш сиёсатимизнинг негизи эканини яна бир бор таъкидлади.

Бу гап бежиз эмас. Чунончи, бугун дунёнинг кўп давлатлари ҳарбӣ сиёсатида Амир Темур бобомиз ўғитлари ва бошқарув тутумларидан кенг фойдаланиб келмоқда. Бунинг бобомиз қўллаган ўнлаб ҳарбий терминлар бугунги кунда ҳам кўплаб мамлакатлар ҳарбий соҳасида қўлланиб келаётганида ҳам кўришимиз мумкин. У ҳошқора, ҳошқимдан бўлсин, лекин бу айни ҳақиқат. Бундан, албатта, фойдаланамиз. Шу билан бирга, ўзимиз ҳам бу буюк меросдан самарали фойдаланишимиз керак. Шу мақсадда Президентимиз катта ишларни бошлаб берди.

Хусусан, давлатимиз раҳбари ташаббуси ва 2017 йил 5 июлдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати самардорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўлаб-қувватлаш тўғрисида”ги фармони билан яқин-яқингача Суворовчилар деб номланган келган ҳарбий академик лицейлар “Темурбеклар мактаби”га айлантирилди. Бунинг асоси сифатида “Буюк давлат арбоби ва саркарда Соҳибқирон Амир Темурнинг Ватанга садоқат, эл-юртни ардоқлаш, мардлик, фидоийлик ва адолатпарварлик каби юксак фазилатлари ёш авлод учун ўрнатилган бўлиб хизмат қилсин”, дейилган.



аҳамият берди: “Инсон кадр-қимматини эъзозлаш, бунинг учун ҳар қандай ҳолатда ҳам адолатни қарор топтиришга қодир бўлган одил судлов тизимини шакллантириш биз учун ўтган икки йил давомида энг устувор вазифага айланди. Буюк Соҳибқирон Амир Темур бобомиз Оқсарой пештоқида “Адолат — давлатнинг асоси ва ҳукмдорлар шioriдир”, деган ҳикматли сўзини ёздиргани бежиз эмас, албатта. Ушбу улғувор ғоя инсон кадр-қимматини

Амир Темур тарихини мукаммал баён этган буюк муаррих Шарафиддин Али Яздий ўзининг “Зафарнома” асарида “Ҳазрат Соҳибқирон ҳар ишга ким юз кўяр эди, ул ишни камолига еткурмагунча ул ишдин элик тортмас эрди”, деган юксак баҳони берган.

Амир Темурга буюк тарихий аҳамиятли баҳони берган машҳур Шарқ алломаси Ибн Халдун “Форслар ва араблар дунёда пешволик асрини ўтаб бўлди, энди бу вазифа Амир

Темур даҳоси туфайли турклар қўлига ўтди”, деганида ҳақ эди.

Амир Темур салтанатни бошқаришда “Куч — адолатдадир”, “Адолатли бўлсанг, нажот топасан”, “Бир кунлик



АМИР ТЕМУР МАҲОРАТИНИ КЎРСАТУВЧИ АССОСИЙ ЖИҲАТ ОЛДИГА ҚЎЙИЛГАН МАҚСАДГА ЖАНГСИЗ ЭРИШИШ ҚОБИЛИЯТИДИР. АСОСАН КАМ СОНЛИ ҚЎШИН ВА ЖАНГОВАР ТАЙЁРГАРЛИК БИЛАН ТЎҒРИ УСУЛЛАР ВА КАМ ТАЛАФОТ БИЛАН ЖАНГДА ҒАЛАБАГА ЭРИШИШДИР.

адолат юз кунлик тоат-ибодатдан афзал”, деган шiorлари дунё ҳукмдорларини ўзига жалб этса, ҳарбий бошқарувда эса унинг адолати — “Аскарни энг қуйи мартабадан олий мартабагача тарбиялаб кўтариш ҳақида”ги тузуғи бунга яққол далил.

Амир Темур маҳоратини кўрсатувчи асосий жиҳат олдига қўйилган мақсадга жангсиз эришиш қобилиятидир. Асосан, кам сонли қўшин ва жанговар тайёргарлик орқали тўғри усуллар ва кам талафот билан жангда ғалабага эришишдир.


Амир Темурнинг ҳарбий истеъдоди — моҳир ташкилотчи ва атоқли саркарда сифатидаги фаолияти, адолатли давлат бошқаруви “Тузуқлар”ида акс этган.

“Темур тузуклари” асарида Соҳибқироннинг маънавий-ахлоқий ва фалсафий фикрлари, мардлик ва шижоатни тарбиялашга қаратилган ғоялари ўз аксини топган. Ундаги Соҳибқирон ҳикматлари ҳозирги кунда халқ мақолларига айланган, десак муболаға бўлмайди. Жумладан:

— адоват эмас, адолат керак;
— бир кунлик адолат юз кунлик тоат-ибодатдан афзал;
— бир калима ширин сўз қилични кинга киритар;

— душмандан қўрқма, мунофиқдан қўрқ;
— сўзлағувчи гарчи нодон бўлса ҳам, тингловчи доно бўлсин;
— ақлли душман жоҳилу нодон дўстан яхшироқ экан;
— яхшини ёмон кунда имтиҳон қил;
— бошсиз мамлакат — жонсиз танадир;
— юз минг отлиқ аскар қўлолмаган ишни бир тўғри тadbир билан амалга ошириш мумкин.

“Тузуқлар”даги Соҳибқирон ҳикматларнинг бугунги кунда ҳам долзарблиги ва аҳамияти ортиб бормоқда. “Салтанат тўнини кийган, ўз тўшагимда роҳатда ухлаш ҳузув-ҳаловатидан воз кечдим”, “Маслаҳат, кенгаш, тadbир-корлик, ҳушёрлик билан мамлакатларни ўзимга бўйсундирдим. Кўп нарсани билиб турсам-да, билмасликка олдим, дўсту душман билан мурося мадора қилдим”, “Душманларни дўстага айлантирдим”, “Менга ёмонликлар қилиб, бошим узра шамшир кўтарганлар, ишимга кўп зиён етказганларни ҳам агар улар илтижо билан тавба-тазарру қилиб келсалар, ҳурматлаб,



Амир Темурнинг ватанпарварлик ва маънавий тарбия, одоб-ахлоққа оид фикрлари ўша даврнинг бошқа тарихий манбаларида ҳам ўз аксини топган. Жумладан, бобомизнинг номдор амирлар, элчилар ёки ўзга юрт ҳукмдорларига айтган фикрлари ҳам унинг ўткир ақл ва зеҳн эгаси, маънавий ва ахлоқий қарашлари, донишмандлиги, илм қаърининг кенглиги, бунёдкорлиги, илм-фан ҳомийси сифатидаги фаолияти ҳақида далилларга бой маълумотларни беради.

Соҳибқироннинг шижоат ва мардлик ҳақидаги кўплаб ғоялари ўша даврдаёқ ҳарбий шiorлар сифатида қадрланган. Унинг Анқара жангидан олдин Йилдирим Боязид элчиларига мардлик ҳақида айтган фикри бунга далилдир. Жумладан, “Мард киши ўз сўзига вафо қилади, сўз билан иш орасида ихтилоф бўлиши — номардлик аломатидир” ёки “Салтанатни бошқаришда шамширни номус ва шараф билан туттиш” борасидаги васиятида ҳам мардлик ва юрт ташвиши акс этган.

Амир Темурнинг маънавий-ахлоқий меросини ўрганиш ҳозирги кунда янада долзарб ҳисобланади. “Темур тузуклари” асаридаги ватанпарварлик ғояларининг ёшларни юрт қайғуси ва уни севиб ардоқлаш руҳида тарбиялашдаги ўрни бекиёсдир.

“Тузуқлар”дан фарзанд тарбиясида, шунингдек, Мудофиа вазирлиги тизимидаги ҳарбий хизматчиларнинг маънавий савиясини юксалтириш, миллий тарихимизни чуқур ўрганишда фойдаланиш, ушбу маънавий-ахлоқий ҳамда ҳарбий меросини, унинг ибратли ҳаёти ва ҳарбий-сиёсий фаолиятини кенг тарқатиш мақсадга мувофиқ. Зеро, туюқ Амир Темур дунёга адолат тантанасини мерос қолдирди. Бу мерос бугун ҳам, келгунда ҳам ўзининг сўнмас ва доимо таппинувчан руҳи билан дунё халқларини ҳамжихатлик ва баргикенгликка, тўғри ва ҳалол яшашга, меҳрибон бўлишга қорлаб туради.

Соҳибқирон ҳазратларидаги ватанпарварлик, мардлик, юрт тинчлиги ва фаровонлиги, равнақи учун қалқон бўлиш каби фазилатлар нафақат шахсий намуна, шу билан бирга, Жаҳонгир

Мирзо, Умаршайх Мирзо, Шохрух Мирзо, Мирзо Улугбек, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби темурийлар фаолиятида ҳам мужассам бўлган.

Ҳаётнинг ўзи чевар, дейди халқимиз. Бу ҳикмат руҳини бугунги ҳаётимиз билан боғласак, дунё силкиниб, тўлғаниб турган бир замонда Янги Ўзбекистондаги осойишталик ва ҳамжихатлик муҳитининг қадри янада ошаверади. Нимага шундай?

Чунки Президентимиз Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси асосида мамлакат ҳаётининг бошқа жаҳалари билан бир қаторда ҳарбий соҳанинг энг муҳим йўналишлари бўйича замон талабларига мос қарорлар қабул қилгани, амалга оширилган тизимли ва стратегик комплекс чора-тадбирлар натижасида қисқа давр ичида миллий армиямизнинг жанговар шайлиги ва умуман, мамлакатнинг мудофиа қобилияти сезиларли даражада ошди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан мамлакатимиз мудофиа қобилиятини юксалтириш, Қуроли Кучларни янада ривожлантириш йўлида қатор саъй-ҳаракатлар олиб боришмоқда.

Президентимиз 2021 йил 12 январда Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари ташкил топганининг 29 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни арафасида Қуроли Кучлар Академиясида бўлиб ўтган йиғилишда Қуроли Кучларни ривожлантириш ва мамлакат мудофиа қобилиятини янада мустаҳкамлаш ҳамда бу борада замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва илгор инновацияларни кенг татбиқ этиш бўйича муҳим кўрсатмалар берган эди. Жумладан, барча даражадаги қўмондонлик ва бошқарув органлари фаолиятини такомиллаштириш, қўшинларда автоматлаштирилган бошқарув воситалари ва комплексларни жорий қилиш орқали уларнинг ҳарорликдаги оператив ва жанговар тайёргарлик даражасини ошириш, ахборот ва киберхавфсизликни таъминлаш истикболдаги долзарб вазифалар бўлиб қолади.

Дилшод ЧОРИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари
Ҳарбий мерос ва замонавий тадқиқотлар институти
бош илмий ходими, полковник,

Озода РАҲМАТУЛЛАЕВА,
институт катта илмий ходими,
тарих фанлари номзоди, доцент



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news

ЮҚОРИ ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТ

Фарғонада ундан фойдаланиш даражаси қониқарлими?

Бошланиш 1-бетда

Мазкур янгиланиш ва ўзгаришлар Фарғона вилояти sanoat салоҳиятини ривожлантиришда ҳам яққол кўзга ташланипти. 2022 йилда вилоятдаги 11 минг 400 дан ортиқ sanoat корхонаси томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми 30,9 триллион сўмни, ўсиш суръати 107,6 фоизни ташкил қилди. Экспорт ҳажми эса қарийб 657 миллион доллар, ўсиш даражаси 106 фоизга етди.

Жойларда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, тўқимачилик, машинасозлик, кийим-кечак ва чарм-тери, нефть, кимё маҳсулотлари, резина, пластмасса буюмлари, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш салмоғи ортиб бормоқда. Шу кунга қадар ташкил этилган 10 минг 300 дан ортиқ sanoat корхоналарининг қарийб 93 фоизи шу соҳалар ҳиссасига тўғри келади. Уларнинг вилоят ялпи sanoat маҳсулотлари ҳажмидаги улуши салкам 80 фоизга, бошқача айтганда, 22,2 триллион сўмга тенг. Sanoatда банд бўлганларнинг 400 минг нафардан ортиғи мазкур йўналишларда меҳнат қиляпти.

Юрт тараққиёти, эл фаровонлиги йўлида амалга оширилаётган изчил ислохотлар, ҳаёتبаш дастурлар иқросини таъминлашда инвестициянинг ўрни катта. Кейинги йилларда халқро молия ташкилотлари, сармоядор, ишбилармон ва туристларнинг жаннатмонанд гуша — Фарғонага бўлган қизиқиши ортиб бормоқда. Хусусан, 2018 йилда 105,3 миллион АҚШ доллари миқдорда хорижий инвестиция ўзлаштирилган бўлса, ўтган йили бу борадаги кўрсаткичлар салмоғи сезиларли ошди. Бугунги кунда хорижий давлат капиталли иштирокида фаолият юритаётган корхоналар сони 348, қўшма корхоналар эса 225 тага етди.

Истиқболли инвестициялар жалб қилишда нафақат давлатлар, балки ҳудудий ҳамда институционал ҳамкорлик йўналишларига алоҳида эътибор қаратилаётгани натижасида таълим, маданият, савдо-иқтисодий йўналишларда қўллаб-қувватлаш имзоланмоқда. Юридик, консалтинг, меҳмонхона, интернет хизматлари, сугурта, молия, банк каби соҳаларда янги ва замонавий хизмат турлари кўпайиб бормоқда. Бу, ўз

навбатиди, рақобат муҳитини шакллантириш, аҳолига арзон ва сифатли харид ва хизмат турларидан фойдаланиш имкониятини берапти.

— 2022 йилда Давлат инвестиция дастурига асосан вилоятимизда қарийб бир миллиард доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредит маблағлари ўзлаштирилди. Бу кўрсаткич 2021 йилга нисбатан 1,8 баробарга ортиди, 12 мингга яқин янги иш ўрни яратилди, — дейди Фарғона вилояти ҳокими ўринбосари Иқболжон Эргашев. — Ўзлаштирилган маблағнинг 433,7 миллион доллари тўғридан-тўғри хорижий инвестиция, 414,6 миллион доллари эса хорижий кредитлар ҳиссасига тўғри келади. Инвестициялар, асосан, тўқимачилик, кимё ва нефть-кимё, қурилиш материаллари, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат, чарм-пойабзал ва электротехника йўналишларидиғи истиқболли лойиҳаларга йўналтирилган.

Яна бир муҳим масала, пахта хомашёсини қайта ишлашни маҳаллийлаштиришга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Лекин видеоселектор йиғилишида, шу билан бирга, айрим ҳудудларда натижалар имконият даражасида эмаслиги қайд этилиб, 2022 йилда Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Қашқадарё, Сурхондарё, Хоразм вилоятлари каби Фарғона вилоятида ҳам ип-калавани қайта ишлаш даражаси пастигича қолаётгани мисол сифатида келтирилди. Бу йўналишда вилоятда умумий қиймати 127,8 миллион долларлик 75 лойиҳа, пахта-тўқимачилик кластерлари томонидан эса хомашёни чуқур қайта ишлашни ташкил этишга қаратилган 37 инвестициявий лойиҳанинг амалга оширилиши натижасида ахвол тўбдан яхшиланади. Ушбу лойиҳалар ҳисобига ҳудудда қўшилган қиймат занжирини яратиш орқали ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажмларини ошириш, шу билан бирга, 6 минг 200 дан ортиқ доимий ва 8 мингдан зиёд мавсумий иш ўринларини яратиш имкони пайдо бўлади.

Фарғонада кичик sanoat зоналари фаолияти кўпминчи кенгайтиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айни кунда 19 ҳудудда 528 гектардан ортиқ ер майдонида 68 қўшимча янги кичик sanoat зонаси, шундан 23 таси ёшлар кичик sanoat зоналари ташкил этилди.

БУГУННИНГ ГАПИ



“Қўқон” ЭИЗда ўтган йиллар давомида фойдаланишга топширилган корхоналар томонидан умумий қиймати 2 триллион 745 миллиард сўмлик sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқарилди, 104,6 миллион долларлик товарлар экспортга йўналтирилди.

Уларга бугунги кунга қадар 520 янги инвестиция лойиҳаси жойлаштирилди. Ишга туширилган 60 дан ортиқ лойиҳа ҳисобига 121,1 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди, 1 минг 260 дан зиёд янги иш ўринлари яратилди.

Вилоят sanoat салоҳиятини ошириш, инвестиция жалб этиш орқали арзон ва сифатли, бозорғир маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажминини ошириш, янги лойиҳаларни қўллаб-қувватлашда “Қўқон” эркин иқтисодий зонасининг ўрни катта. Тўртта ҳудуддан иборат қарийб 714 гектар ер майдонини эгаллаган ушбу sanoat ҳудудида айни пайтга қадар умумий қиймати 588 миллион долларлик 108 инвестиция лойиҳаси жойлаштирилди. ЭИЗ инфратузилмасини яратиш мақсадида ишлаб чиқариш корхоналари фаолияти учун зарур бўлган сув, табиий газ, электр тармоқлари тортилди, йўл ва кўприклар қурилди.

— Шу кунга қадар “А” нимзонасида 3,6 километр электр тармоғи тортилиб, тарқатиш пункти ўрнатилди, “В” нимзонасида эса қиймати 30 миллиард сўмлик 2 та подстанция ўрнатилди ва ундан ишлаб чиқариш ҳудудига қадар 15 километр бўлган ҳаво электр тармоғи тортилди, — дейди “Қўқон” ЭИЗ бош мутахассиси Сардорбек Мирсолиев. — Бундан ташқари, ишлаб чиқариш учун зарур бўлган 12 километр табиий газ, 17,9 километр ичимлик сув, 10,3 километр оқова сув тармоқлари ҳам ишга туширилди. Қарийб бир километр темир йўл ётқизилиб, “А” нимзонасидаги тармоққа уланди. Айни пайтда эса 15,4 километр ички хўжалик йўллари қуриш ишлари давом эттирилмоқда.

“Avilon Kokand plus” унитар корхонаси sanoat ҳудудига иш бошлаган кенжа корхоналар сирасига қиради. Бу ерда

3 минг 990 тонна хом мато тўқиш ва 3 минг 490 тонна мато бўяш имкониятига эга бўлган замонавий жиҳозлар ўрнатилди. 200 дан ортиқ янги иш ўрни яратилди. Эътиборли жиҳати, тўқилган хом мато ва бўялган маҳсулотга талаб юқори. Дастлабки босқичда, ташқи бозорга 7,7 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилиш режалаштирилган.

“Khat Decor” хусусий корхонаси 1,5 миллион долларлик лойиҳа эвазига меламина қозғалари ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Асосан, мебелсозлик учун зарур бўлган бу хомашёлар шу пайтга қадар хориждан олиб келинган. Импорт жараёни эса, ўз навбатида, маҳсулот таннарининг ошиб кетиши, хомашё тақчиллигини келтириб чиқарган.

Корхона раҳбари Алпонжон Толиповнинг таъкидлашича, айни пайтда умумий қиймати бир миллион доллар бўлган иккинчи лойиҳани ишга тушириш борасида иш олиб боришмоқда. Натижада юз турдан ортиқ ламинат қизилари босилган мебел ва бошқа қурилиш анжомлари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

— Маҳсулотларимизга ҳам ички, ҳам ташқи бозорда талаб бирдек юқори, —

дейди “ММА Камтар Бегойим” корхонаси раҳбари Исроилжон Абдуллаев. — Шу мақсадда маҳаллий пойабзал ишлаб чиқарувчилар ва яқин хорижий давлатлар тадбиркорлари билан узвий ҳамкорлик қилиб келямиз. Шу кунга қадар умумий қиймати 2 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилдик. Албатта, фаолият кўламмиз фақат хомашё ишлаб чиқариш билан чекланиб қолаётгани йўқ. Айни кунда мўйнали матолардан турли ёп-қичлар ишлаб чиқариш устида иш олиб борамиз. Бу маҳсулот ишлаб чиқариш салмоғини ошириш билан бирга, яна кўплаб янги иш ўринлари яратиш имкони беради.

Умуман олганда, “Қўқон” ЭИЗда ўтган йиллар давомида фойдаланишга топширилган корхоналар томонидан умумий қиймати 2 триллион 745 миллиард сўмлик sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқарилди, 104,6 миллион долларлик товарлар экспортга йўналтирилди.

— Бугунги кунда ҳудудимизда қиймати 298,3 миллион долларлик 28 та лойиҳа бўйича қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилмоқда, — дейди “Қўқон”



ЭИЗ дирекцияси директори Фахриддин Раҳмонов. — 2023 йил якунига қадар қиймати қарийб 91 миллион долларлик 20 та янги лойиҳа фойдаланишга топширилади. Бунинг ҳисобига 392,1 миллиард сўмлик қўшимча sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқариш, 1 минг 600 дан ортиқ янги иш ўрни яратиш имкони пайдо бўлади.

Вилоятда sanoat йўналишидаги корхоналар ва шунга мос равишда ишлаб чиқариш ҳажмининг муттасил ошиб боришида юртимиз sanoat зоналарида фаолият юритаётган корхоналар учун қатор имтиёزلар белгилангани қўл келмоқда. Жумладан, Президентимизнинг 2021 йил 14 сентябрдаги “Махсус иқтисодий зоналар иштирокчиларини янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги

қарорига мувофиқ, улар фойда, ер, мулк ва сув солиқлари тўлашда имтиёزلарга эга. Шунингдек, маҳсулот ишлаб чиқариш ва ўз эҳтиёжлари учун фойдаланадиган бутловчи қисмлар, хомашё ва материалларни импорт қилганда қўшилган қиймат солиғи, божхона божини фойзалар ҳисобланмаган ҳамда уларнинг тўланишини таъминлаш талаб этилмаган ҳолда 120 кунгача кечиктириб (бўлиб-бўлиб) тўлаш ҳуқуқи берилган. Бундан ташқари, республикада ишлаб чиқарилмайдиган ва инвестиция битимига мувофиқ, инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун барпо этиш даврида олиб қирилган қурилиш материаллари, технологик ускуналар ишлаб чиқариш ва маҳсулотларни экспортга реализация қилиш учун фойдаланадиган хомашё ва бутловчи қисмлар Ўзбекистон ҳудудига олиб қирилганда божхона тўловлари тўланмайди. Бу имтиёزلар инвестиция лойиҳаларининг миқдорига қараб уч йилдан 10 йил муддатга берилади.

Видеоселекторда 2023 йилда sanoat зоналари ва йирик инвестиция лойиҳалари инфратузилмаси учун 1,7 триллион сўм йўналтирилиши, “Ғиждувон” ва “Қўқон” эркин иқтисодий зоналари ҳудуди кенгайтирилиши айтилди. Йиғилишда қайд этилганидек, 2023 йилда тўқимачилик лойиҳаларига қўшимча 300 миллион доллар йўналтирилади. Шунингдек, чарм-пойабзал sanoatида 200 дан ортиқ турдаги импорт хомашё бўйича божхона имтиёзлари уч йилга узайтирилади. Заргар тадбиркорларга хомашёни чегирма билан сотиб олиш имконияти ҳамда солиқ, божхона ва банк имтиёзлари берилади.

Яна бир эътиборли томони, банк нормативлари қайта қўриб чиқилиб, тижорат банкларида корхоналарга кредит ажратиш учун қўшимча

55 триллион сўм ресурслар йўналтирилади. Бу — битта туманда ўртача 20 миллион долларлик инвестицияга қўшимча манба, дегани.

Президентимиз ташаббуси билан иқтисодиётнинг реал секторларини қўллаб-қувватлаш мақсадида яратиб берилган имтиёз ва имкониятлар sanoat тармоқлари фаолиятини ривожлантириш, янги лойиҳаларни ишга тушириш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш, фаровонлигини оширишга хизмат қилади.

**Расулжон КАМОЛОВ,
Абдурауф ҚОРЖОВОВ,
“Янги Ўзбекистон”
мухбирлари**

САРҲИСОБ

НАВОИЙ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ:



Бошланиш 1-бетда

Рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, юртимиз олтин захираси бўйича дунёда 2-ўрин, олтин ишлаб чиқаришда 4-погонани забт этди. 2022 йилда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 56,4 триллион сўмни ташкил этиб, ўсиш суръати ўтган йилга нисбатан 106,2 фоизга етди.

— Айни вақтда қабул қилинган дастур асосида 2026 йилгача комбинатда олтин ишлаб чиқариш ҳажминини яна 30 фоизга ошириш ишлари олиб боришмоқда, — дейди “Навоий кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамияти бўлим бошлиғи Умиджон Костаев. — Ўтган беш йил мобайнида олтин ишлаб чиқариш ҳажми 21 фоиз, кумуш ишлаб чиқариш ҳажми 46 фоиз ошди ва 1 триллион 100 миллиард сўмга яқин маблаг тежалган ҳолда ишлаб чиқарилаётган олтин таннари 6 фоиз қисқартирилганга эришилди. Бунинг натижасида комбинатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотишдан олинаётган фойда миқдори ортиди.

Маълумки, иқтисодиёт барқарорлигини таъминлашнинг энг самарали йўли — ички имкониятларни ишга солиш, импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш орқали sanoatни янада ривожлантиришди. Янги маҳсулот турларини кўпайтириш, sanoat кооперациясини кенгайтириш мақсадида “Навоий кон-

металлургия комбинати” акциядорлик жамияти томонидан маҳаллий ишлаб чиқарувчилар билан “маҳсулотбай” кооперация алоқалари йўлга қўйилди. Натижада комбинат эҳтиёжи учун импорт қилинган 405 миллиард сўмлик маҳсулот маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан етказиб берилляпти. Мазкур қувватлар сўнгги уч йилда кичик корхонадан ўрта ишлаб чиқарувчилар тоифасига ўтиб, янги иш ўринлари сони 10 баробарга ошди.

Комбинатда маҳаллийлаштириш дастурини татбиқ этиш нафақат валюта маблағларини тежаш, балки ишлаб чиқариш ҳажминини ошириш, янги инновацион ғоя ва лойиҳаларни амалга ошириш имконини беради. Кооперация алоқаларини ўрнатишда маҳаллий корхоналарнинг сони ошиб, географияси ҳам кенгаймоқда. Ушбу корхоналарда янги турдаги кон, шахта ускуналари, уларнинг эҳтиёт қисмлари ва бошқа зарур маҳсулотлар тайёрлаш ўзлаштирилди. Шунингдек, комбинатда илк бор “шатакка олиш” механизми жорий этилиши натижасида 2,7 триллион сўмлик ҳамкорлик шартномалари имзоланди.

Комбинат “шатакка олган” корхоналарнинг иқтисодий кўрсаткичлари таҳлил қилинганда, уларнинг маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми 2019 йилга нисбатан қарийб 16 баробар ошиб, 330 дан ортиқ янги маҳсулот тури ўзлаштирилди. Маҳаллийлаштириш дастури бўйича 550 миллиард сўмлик

ИЛҒОР ҒОЯ ВА ТАШАББУСЛАР

ЮТУҚЛАР КАФОЛАТИ



маҳсулот ишлаб чиқарилиб, ўсиш суръати 127,7 фоизга таъминланди ҳамда инвестиция дастури доирасида 3 лойиҳа фойдаланишга топширилди. Натижада 2022 йил давомида 2095 янги иш ўрни яратилди.

Йирик қувватнинг юқори кўрсаткичлари аҳил жамоанинг мамлакат кончиликлари ривожига қўшаётган ҳиссасида намоён. Ходимларнинг 13 минг нафари ёш мутахассислардир. Эътиборлиси, йирик қувватда 10 нафар фан доктори, 30 нафар фан номзоди фаолият юритади. “Устоз-шогирд”

анъанасининг йўлга қўйилгани эса янги инновацион ишланма ва лойиҳаларнинг амалиётга татбиқ этилишига хизмат қилляпти.

Навоий машинасозлик заводи ишлаб чиқариш бирлашмаси маҳаллийлаштирилган маҳсулотларни тайёрлаш бўйича комбинатнинг асосий тармоғи саналади ва мазкур қувватда қарийб 3500 нафар ходим меҳнат қилади. Бирлашмада 2022 йил давомида 113 лойиҳа бўйича умумий қиймати 487 миллиард сўм бўлган импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар тайёрланди. Натижада

харажат ва вақт тежалишига эришилди, ишлаб чиқаришдаги узлишларнинг олди олинди.

Корхона қувватларини кенгайтириш мақсадида “Механик йиғув цехини техник ва технологик қайта жиҳозлаш” инвестиция лойиҳаси амалга оширилмоқда. 22 миллион доллардан зиёд маблаг эвазига янги цех қуриляпти. Мавжуд мажмуаларнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланиб, йилдан-йилга ишлаб чиқариш ҳажмида ижобий натижалар кўзга ташланиляпти.

Муваффақиятлар янги ғоя ва ташаббусларга етакляйди. Корхонада 2021 йилда ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш ҳисобига қўйма маҳсулотларни тайёрлаш кўрсаткичи 35 минг тоннани ташкил этган бўлса, 2026 йилга бориб 43 минг тоннага етказиш кўзда тутилган. Бунинг учун қиймати 3 миллион доллар бўлган замонавий ва энергиятежамкор асбоб-ускуналарни сотиб олиш режалаштирилган.

Навоий машинасозлик заводи ишлаб чиқариш бирлашмасида ўрнатилган 500 кВт.ли фотоэлектростанцияси ҳар йили ўртача 806 миллион сўмлик электр энергияси ишлаб чиқаради. Бу қувват эса бино ҳамда иншоотларнинг 70 фоиздан ортиқ эҳтиёжини қоплайди.

“Навоий кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятидаги йирик инвестицион лойиҳалардан бири — “Тистали” конидир. Ушбу лойиҳа асосида йилга 4 миллион тонна олтин маъданини қайта ишлашга мўлжалланган 6-гидрометаллургия заводи ишга туширилади. Мазкур

қувватнинг йўлга қўйилиши билан Нурота туманини иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш барибаради, 2000 кишининг бандлиги таъминланади.

Ҳозирда “Тистали” карьери, 6-гидрометаллургия заводи, кон ускуналарини таъмирлаш цехи, ишчилар шаҳарчаси ва мажмуа таркибига қиритилган бошқа бир қатор объектларни қуриш ишлари давом этмоқда.

— Лойиҳада кўзда тутилган гравитацион бойитиш ускуналари, қуюлтиргичлар ва бошқа эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарилиши узимизнинг корхоналарда маҳаллийлаштирилган, — дейди 6-гидрометаллургия заводи мутасадди ходими Жасур Бердиев. — Янги завод ишга тушгач, йилга 4 миллион тоннадан ортиқ маъдан қайта ишланади ва бу кўрсаткични 40 миллион тоннага етказиш кўзда тутилган.Айни вақтда қонда биринчи портлатиш ишлари бажарилди.

Шу ўринда яна бир маълумот. Комбинатни 2026 йилгача ривожлантириш дастури асосида 2017–2022 йилларда 19 лойиҳа ишга туширилди ва қарийб 14 мингта иш ўрни яратилди. Янги конларнинг ўзлаштирилиши нафақат мамлакат тоғ-кон sanoati ривожига муносиб ҳисса бўлиб қўшилмоқда, балки аҳолининг турмуш фаровонлиғи янада яхшиланишига ҳам хизмат қиляпти.

Комбинатда эришилган натижалар салмоқли. Йирик қувват замон билан ҳамнафас янгиланиб бормоқда. Конларнинг ўзлаштирилиши, янги лойиҳаларнинг амалга оширилиши, ишчи-ходимлар учун яратилган қўлай меҳнат шароити, жамоадаги ҳамжиҳатлик бугун мамлакат тоғ-кон sanoati ривожига муносиб ҳисса бўлиб қўшилмоқда. Корхонанинг 2022 йилдаги соф фойдаси 14 триллион сўмни ташкил этди. Навбатдаги режалар ҳам янги қувватларни ташкил этиш орқали импорт ўрнини босадиган маҳсулот ҳажминини ошириш, янги иш ўрни яратиш, юртимиз иқтисодиётини янада ривожлантиришга хизмат қилади.

**Ғолиб АБДУСАЛОМОВ,
журналист**



Илҳомжон ТҶҲАСИНОВ,
Самарқанд давлат чет тиллар институти ректори,
педагогика фанлари доктори, профессор



2023 йилнинг юртимизда “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили” деб эълон қилиниши алоҳида эътирофга лойиқ. Чунки таълим сифати ва жамият тараққиёти ўзаро чамбарчас боғлиқ. Сифатли таълим йўлга қўйилса, билимли, рақобатбардош, замонавий компетенцияларга эга кадрлар етишиб чиқади. Бундай мутахассислар эса касбий ва бошқарув фаолиятида оқилона қарорлар қабул қилиш орқали юрт равнақиға хисса қўшади.

Ривожланган давлатлар тажрибасини таҳлил қилсак ҳам асосий омил сифатида таълимга қаратилган жиддий эътиборни кўришимиз мумкин. Жумладан, ҳар қандай давлатнинг инвестициявий жозибадорлиги аҳолининг интеллектуал салоҳияти билан белгиланади.

Президентимиз Янги Ўзбекистонни “Ижтимоий давлат” тамоилии асосида қуришни эътироф этиб, энг катта инвестиция таълимни қўллаб-қувватлашга қаратилишини алоҳида таъкидлади. Зотан, “Нажот — таълимда, нажот — тарбияда, нажот — билимда. Чунки барча эзгу мақсадларга билим ва тарбия тўғйири эришилади”.

Бугун замон ҳар қачонгидан ҳам тезлашди. Шу боис, замон талаблари асосида ўқитиш ҳам янгиланиши ва ривожланиши зарур. Энди билим олувчилар ҳам, таълим берувчилар, қолаверса,

Бутун халқимиз Президентимиз Мурожаатномасини интиқлик билан кутгани рост. Сабаби, унда тилга олинган қайси соҳа бўлмасин, аввало, туб илдиздаги мақсад халқ фаровонлигига қаратилади. Кутилганидек, Мурожаатномада бирор соҳа эътибордан четда қолмади. Ҳар бирининг ютуқ ва қамчиликлари, келгусидаги вазифалари таҳлил қилинди.

таълим мазмуни ҳам янгиланиши, ўзгариши керак. Биз фаолият юритаётган олий таълим муассасасида ҳам жараён давом этмоқда. Негаки, талабаларда эркин ва креатив фикрлашни, жамоада ишлаш ва мулоқот кўникмаларини шакллантириш барчамизнинг бурчимиз. Президентимиз олий таълим муассасалари фаолиятига тўхталиб, сўнги



йилларда олийгоҳларимиз 2,5 баробар кўпайиб, қамров даражаси 9 фоиздан 38 фоизга ошганини таъкидлади. Сон жиҳатдан бу кичик курсаткич эмаслиги, лекин таълим сифати масаласини ҳам унутмаслик кераклигига алоҳида урғу бериб ўтди. Бунинг учун ҳар бир олийгоҳ ўзи ҳаракат қилиши, шундагина аниқ натижа бўлиши айтилди.

Охири вақтларда дарсликлар ва уларнинг савияси, яъни таълим мазмуни илмий-техник тараққиёт даражасидаги замонавий талабаларга жавоб бермаслиги кўплаб танқидларга сабаб бўлаётганига гувоҳимиз. Бу борада келгуси йилдан бошлангич синфларда мутлақо янги методика асосида яратилган дарсликлар бўйича ўқитиш йўлга қўйилиши, мактаб таълими халқро таълим дастурлари асосида бутунлай ислоҳ қилинишини қайд этиб ўтди.

Мурожаатномада кўзда тутилган муҳим йўналишлар донишманд мутафаккирларимизнинг фикрлари ва илмий асосланган тажрибаларга таянган ҳолда жамият ҳаётининг барча жаҳаларини қамраб олган бўлиб, инсон манфаатларини рўйбга чиқаришга қаратилган кенг жамоатчилик ва бутун халқимиз томонидан илиқ қутиб олинди.

Президентимизнинг 2021 йил 19 майдаги “Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганиши оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, сўнги икки йилда институтимизда қабул қиловатаси икки баробар, давлат гранти эса уч баробар оширилди. Бундан ташқари, бир неча янги таълим йўналишлари ҳам очилди. Йилдан-йилга институтга ўқишга кириш мақсадида ҳужжат топширувчилар ва талабалар сони ортиб бормоқда. Бу эса ўз-ўзидан янгидан-янги ўқув

бинолари, талабалар турар жойлари ва кутубхоналар қуришни, жумладан, янги таълим йўналишлари, факультетлар ҳамда филиалларни очишни тақозо этмоқда.

Эҳтиёждан келиб чиқиб, 2022/2023 ўқув йилида давлат-хусусий шериклик



асосида 1 минг 500 ўринга мўлжалланган талабалар турар жойи, шунингдек, уч қаватли замонавий ахборот-ресурс маркази қурилиб, фойдаланишга топширилди. Шунингдек, мавжуд ва фойдаланишга яроқсиз бўлган минг ўринга мослашган тўрт қаватли ўқув биноси ҳамда 350 ўринли талабалар турар жойи мукамал қайта таъмирдан чиқарилди. Биз бу билан талабаларни турар жой билан таъминлаб, замон талабларига мос жиҳозланган ўқув хоналарида таълим олишига имкон яратдик, десак муболаға бўлмайди.

Айни дамда жаҳон андозаларига жавоб берадиган икки минг ўринли янги ўқув биноси қуриляпти. Шунингдек, минг ўринга мослашган яна бир ўқув биномизда қайта таъмирлаш ишлари давом этмоқда. Жумладан, очик спорт майдони, ёлқ спорт мажмуаси, таълимда кластер тизимини жорий қилиш мақсадида мактабга таълим муассасаси ҳамда хорижий тилларга ихтисослаштирилган мактаб қуриш ишлари ҳам истиқболдаги режаларимиздан ўрин олган.

Президентимиз айтганидек, болаларимиз мактабдан ана тили ва чет тилларни пухта ўзлаштириб, компьютерда ишлашни ўрганиб чиқиши зарур. Фарзандларимизни касб-хунарларга, санъат ва маданиятга қизиқтиришимиз лозим. Ўқувчиларда эркин ва креатив фикрлашни, жамоада ишлаш ва

мулоқот кўникмаларини шакллантириш ҳам давр талаби. Маърифатпарвар бoмoмиз Маҳмудхўжа Бeҳбудиёв ёшларга қарата мурожаат қилиб, ўз даврининг илм-фан тили бўлган араб, форс, турк ва рус тилини мукамал ўрганишга даъват қилган. Чунки тил билмасдан


сида ўқишга қабул қилиш параметрлари ва тўлов-контракт асосида ўқитиш қийматини белгилаш ҳуқуқи бeрилади. Молиявий мустақиллиқнинг яна бир афзаллиги топиладиган даромадни кам таъминланган оилалар фарзандлари бўлган талабаларга сарфлаш, уларга моддий ёрдам бeриш, рағбатлантириш мумкин. Шунингдек, олий ўқув юрти замонавий педагогик технологияларни қўллайдиган, илмий изланиш олиб бoрадиган маҳаллий ҳамда хорижий профессор-ўқитувчилар, мутахассисларнинг шартнома асосида ўқув жараёнига жалб қила олади. Молиявий мустақил бўлганимиз боис, охири икки йилда қатор ишларни бажардик. Жумладан, институтимизда тахсил олаётган талабалар мунтазам моддий рағбатлантирилмоқда.

Самарқанд давлат чет тиллар институти хорижий олийгоҳлар билан алоқа ўрнатиш борасида ҳам ўзига хос ўринга эга. Бугунги кунга қадар институт юзга яқин нуфузли хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорликни давом эттирмоқда. Бу йил Туркиянинг Меҳмет Акиф Эрсой университети билан ҳамкорликда турк тилини, Испаниянинг Кастилла-Ла Манча университети билан биргаликда испан тилини ўқитиш бўйича қўшма таълим дастурларини йўлга қўйишни мақсад қилганмиз.

Президентимизнинг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармониға биноан, институтда халқро рейтинглар бўйича ишлаш бўлими ташкил этилди. Шунингдек, халқро эътироф этилган ташкилотлар рейтингидо юқори 1000 талик рўйхатга кириш бўйича мақсадли чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Бундан ташқари, халқро рейтинглар билан ишлаш бўйича 2021-2023 йилларга мўлжалланган “йўл харитаси” ишлаб чиқилди. Натижада Самарқанд давлат чет тиллар институти мамлакатимиздаги 28 та олий таълим муассасаси қаторида World University Rankings — 2023 халқро рейтингидо даъвогар мақомига эга бўлди. Мазкур 28 та олий таълим муассасаси нуфузли рейтингларга кириш учун номзод сифатида танланиб, бунда рейтинг агентлиги уларга яқиндан ёрдам бeриши таъкидланди.

Мурожаатномада келтирилган барча йўналишлар, олдимизга қўйилган вазифаларга жасоратли меҳнат билан бирга Ватанимизни севиш, халқимиз, мамлакатимиз тараққиёти учун фидойи бўлиш орқалигина эриша оламиз. Бунинг учун шу юртда яшаётган фуқаро, педагог сифатида давлатимиз тараққиётига муносиб хисса қўишни ўзимизнинг асосий вазифамиз деб биламиз.

НУҚТАИ НАЗАР



Олим РЎЗИМУРОДОВ,
Тошкент шахридаги Турин политехника университети профессори,
кимё фанлари доктори

Давлатимиз раҳбарининг бу галги Мурожаатномасида ҳам мамлакат тараққиётининг заминини илм-фан ва инновациялар ташкил этиши алоҳида таъкидланди. Шубҳасиз, буларсиз давлатнинг тараққиётини тасаввур қилиб бўлмайди. Чунки ушбу муҳим йўналишлар давлат иқтисодийётининг барча жаҳасига бевосита таъсир этади ҳамда аҳолининг турмуш даражасини кўтаришга олиб боради.

Бу борада олий таълим муассасалари драйвер вазифасини бажариши керак. Тошкент шахридаги Турин политехника университетида ҳам талабаларнинг сифатли билим олиши ҳамда таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш, янги иннова-



цион лойиҳалар ҳамда илмий тадқиқот ишларини янада ривожлантириш бўйича тизимли ишлар бажарилмоқда.

Жумладан, Президентимизнинг ўтган йил 19 декабрдаги “Электромобиллар ишлаб чиқаришни ташкил этишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бу борадаги ишларни янги босқичга кўтаради. Қарорда 2023 йил 31 январга қадар Тошкент шахридаги Турин политехника университети қошида электромобиллар ва уларнинг инфратузилмаси

бўйича илмий-тадқиқот лабораториясини ташкил этиш, профессор-ўқитувчилар, шунингдек, соҳада фаолият кўрсатаётган бошқа мутахассисларнинг ривожланган давлатларда малака ошириб келишини таъминлаш вазифаси қўйилган. Айни пайтда университет талаба ва докторантлари электромобилларнинг сервис, эксплуатация кўрсаткичи, электроника жиҳозларини текшириш жараёнини ўрганмоқда. Мазкур лабораториянинг ташкил этилиши ўқув сифатини ошириш ва янги ўқув йилида университетда ўргатиладиган фанлар рўйхатини кенгайтириш, автомобилсозлик ва электротехника соҳасида тадқиқотлар олиб бoриш, шу йўналишлар бўйича етук мутахассисларни тайёрлаш имконини бeради. Ҳозир олий таълим муассасаси ўқув дастурларига электромобиллар, уларнинг тузилиши, эксплуатация қилишни ўргатувчи бир неча фанлар, электромобилларни ўрганиш бўйича электив курслар киритилмоқда.

Илм-фан ва инновациялар ҳақида гап кетганда, Тошкент шахридаги Турин политехника университети профессор-ўқитувчилари электромобиль санoатида кенг қўлланадиган истиқболли наноматериал ва литий-ион батареяларни чўқур ўрганиш юзасидан халқро лойиҳаларда иштирок этаётганини таъкидлаш жоиз. Қарорда кўрсатилган янгидан ташкил этиладиган лабораториялардаги замонавий жиҳозлар ёшларнинг инновацияларга қизиқишини кучайтириш



билан бирга илғор лойиҳаларни амалга оширишга ундайди. Натижада янги технология фойдали маҳсулотлар ишлаб чиқариш, мавжуд ишланмаларни такомиллаштириш имконини бeради.

Президентимизнинг ўтган йил 21 декабрдаги “Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармониға

кўра, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги тузилди. Ушбу вазирлик ҳам келгусида халқро стандартларга мос, комплекс билимларга эга, малакали кадрлар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш билан бирга илм-фани жадал ривожлантириш, профессор-ўқитувчилар салоҳиятини ошириш жараёнини ўзаро мувофиқлаштиради.

Мазкур меъёрий ҳужжатларда кўрсатилган вазифалар самарали ва сифатли ижро этилса, мамлакатимиз равнақи учун хизмат қилиши шубҳасиз. Бу саъй-ҳаракатлар давлатимизнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишида ўзига хос йўлини танлаш, кадрлар тайёрлаш тузилмасини янгиллаш имконини мустаҳкамлайди.

Шукурилло УМАРОВ,
Имом Термизий халқаро
илмий-тадқиқот маркази
директори,
тарих фанлари бўйича
фалсафа доктори

Бошланиши 1-бетда

Мамлакатимизда нафақат миллий, диний байрамларни кенг нишонлашга шарт-шароит яратиб берилмоқда, балки бошқа диний конфессиялар вакиллари­нинг ўз байрамларини эркин нишонлаши учун ҳам барча имкониятлар мавжуд. Диний-маърифий соҳага эътибор қучайган юртимизда виждон эркинлиги, миллатлараро ва динлараро тотувликни таъминлаш масаласи доимо долзарб аҳамият касб этиб, бу борада амалга оширилаётган ислохотлар халқроқ экспертлар томонидан муносиб эътироф этилмоқда.

Хар йили муборак Қурбон ва Рамазон ҳайитларини нишонлаш бўйича қабул қилинадиган Президент қарорлари ҳам халқимизнинг бетакор байрамларидан ҳисобланган ушбу айёмларни нишонлаш ва унинг моҳиятида мўжасам бўлган эзгулик, аҳил қўшничилик, бағрикенглик, меҳмондўстлик, шукроналик ва меҳр-оқибат каби қадриятларни асраб-авайлашга хизмат қилмоқда. Бу улуг айёмларда юртдошларимиз дўст-биродарлар ҳолидан хабар олади, хаста ва ночор инсонларни зиёрат қилади. Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки, юртимизда байрамлар муносабати билан дам олиш кунларининг узайтирилиши, фуқароларнинг расмий саналарни нишонлаш даврида мазмунли дам олиши, “Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил” лойиҳаси доирасида эса ички ва зиёрат туризмини янада

ривожлантиришга кенг имкониятлар яратилмоқда.

Қуръони каримда инсонга ато этилган неъматларга шукроналик келтириш борасида Аллоҳ таоло “Иброҳим” сураси 7-оятда шундай марҳамат қилади: “Қасамки, агар шукр қилсангиз, албатта сизга (неъматларимни) зиёда қилурман. Агар куфр (ношукурлик) келтирсангиз, албатта азобим шиддатлидир”. Зеро, неъматларни қадрламаслик, уларни исроф этиш динимизда қаттиқ қораланган.

VIII аср ислом илм-фанининг истеъдодли олими, адаб илмининг билимдон Абдуллоҳ ибн Муқаффа “Адабул важиъ” рисоласида шукрнинг фазилатига, унинг инсонга келтирадиган фойдаларига тўхталар экан, шундай дейди: “Аллоҳ таолонинг берган неъмат ва инъомларига шукр қилмасанг, Яратганининг марҳаматига сазовор бўла олмайсан. Шундай экан, ҳар доим Аллоҳ таоло-

чуқур таҳлил қиладиган, ҳар бир ишдан эзгулик ва савобни кўзлайдиган кишидир. Бундай одамлар бошқаларга мурувват кўрсатиш, яхшилик улашиш учун сабаб излайди. Имкон бўлиши заҳоти шунга интилади.

Шундай экан, йил поёнида бир йиллик фаолиятни сарҳисоб қилиш, камчиликлардан хулоса чиқариб, муваффақиятларга шукрона келтириш, янги режалар тузиш, яқинлар ҳолидан хабар олиш ва дам олиш кунларида зиёрат, ибодат ҳамда савобли ишларни қилишга ҳеч қандай монелик йўқ. Зеро, ҳадиси шарифларда “Амаллар ниятларга қараб баҳоланади”, дея алоҳида таъкидланган.

Демак, ниятни тўғри қилиш, ушбу байрамлар муносабати билан мамлакатимизда яратиб берилаётган имкониятлар, қўшимча таътиллاردан унумли фойдаланиш, кўни-қўшничилик, қон-қариндошлик ришталарини янада мустаҳ-



нинг ҳадис марҳаматидан сенга насиб қилган ризққа шукр қил, Яратган сенга ато этган неъматлари, тўхталарига ҳаммиша шукр ва ҳамдлар келтиришда ихтилодли бўл”.

Байрамлар турфа бўлиб, диний мазмундагилари кам сонли. Улар инсонларнинг эътиқоди билан боғлиқ. Яна бир тоифаси ижтимоий характерга эга. Улардан баъзилари жамоатчиликнинг кенг муҳокамасига сабаб бўлмоқда.

Аслида, ишнинг моҳиятини тўлиқ тушуниб етиш орқали бу мавзуга муносабат янада равшан бўлади. Оқил инсон фаросатли, масаланинг моҳиятини

камлаш, умуминсоний қадриятларни ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Бу кунлардаги монелик, аслида, ножоиз ишларни амалга ошириш, ҳаддан ошиб, зулм қилиш, ҳиёнатга ўхшаш ҳам, эътиқодга ҳам алоқаси йўқ.

Ушбу ихтилофларнинг олдини олиш мақсадида Мисрнинг дунёга машҳур “Ал-Азҳар” университети уламолар кенгашининг фатвоси тақдим этилган. Унда келтирилишича, “Жамиятдаги

якка шахс ёки бир жамоанинг бирор фойда кўзлаб ёки ўзларидан ёмонликни даф қилиш мақсадида бирор ишга эътибор қаратишлари табиий ҳол. Дунёвий байрамларни нишонлаш жоиз ёки ножиозлиги борасида ислом

езгу иш ва амалда бардавом бўлади. Ҳаётини эзгу амал ва солиҳ ишларни қилиш билан ўтказди. Ҳар бир берилган неъмат ва яхшилик учун шукрона келтиради. Берилган неъматларнинг қадрига етиш, уларни асраб-авайлаш муқаддас динимизда тарғиб қилинувчи амаллардандир.

Мавжуд жамиятда ижтимоий байрамларни нишонлаш ва ушбу байрамлар билан инсонлар ўзаро бир-бирларини табриклаши, турли дин вакиллари томонидан қилинган эҳсонга ўхшаш нарсаларни олиш ёки олмаслик борасида турфа қарашлар бор. Кимдир уларга дунёвий байрамлар сифатида қаралиши ва динимиз бундан ман этмаслигини таъкидласа, яна кимдир бу байрамларни нишонлаш динимизда жоиз эмаслигини айтади.

Аслида, ўз номи билан ижтимоий деб юритилаётган байрамларни динга нисбат бериш, бу борада билимсизлик билан мўмин-мусулмонлар ўртасида ихтилоф келтириб чиқаришининг ўзи нотўғри. Зеро, бу байрамларни динга ҳам, эътиқодга ҳам алоқаси йўқ.

Ушбу ихтилофларнинг олдини олиш мақсадида Мисрнинг дунёга машҳур “Ал-Азҳар” университети уламолар кенгашининг фатвоси тақдим этилган. Унда келтирилишича, “Жамиятдаги якка шахс ёки бир жамоанинг бирор фойда кўзлаб ёки ўзларидан ёмонликни даф қилиш мақсадида бирор ишга эътибор қаратишлари табиий ҳол. Дунёвий байрамларни нишонлаш жоиз ёки ножиозлиги борасида ислом

уламолари турли фикр билдирган. Бу каби нишонланадиган байрамлар икки турга бўлинади — дунёвий ёки диний байрамлар. Агар дунёвий байрамлардан кўзланган мақсад тўғри бўлса, турли ишлар аралашуви сабабли шарият кўрсатмаларидан ташқарига чиқилмас, ислом бундай дунёвий байрамларни ман қилмайди”.

Мисрдаги фатво ҳайъатининг мазкур қарори мусулмон оламидаги турли ихтилоф ва қарашларга муносиб ечим бўлиши керак. Шунингдек, бу борада ислом динидаги икки ҳайит байрамидан ташқари ҳам бир нечта байрамлар мавжуд. Улардан фарзанд дунёга келганда, хатна ва никоҳ тўйида, муҳим ишлар содир бўлганда, имтиҳондан муваффақиятли ўтганда, деҳқончиликдан мўлқул ҳосил олганда, яқинларини сафардан келишини кутиб олганда хурсанд бўлиб, шукрона келтиради ва байрам қилади. Эришилган ютуқ ва хурсандчилик билан ўзаро муборакбод этишларида ислом шариятининг монелиги йўқ.

Ақсична, бу каби амалларга жамият фаровонлиги, инсонларнинг иноқлиги, силаи раҳмининг ёйилишига сабаб бўладиган ишлар сифатида қаралади. Ислом дини дунёвий байрамни нишонлашни қораламайди, агар ундан кўзланган мақсад тўғри бўлса ва шарият кўрсатмаларидан ташқарига чиқилмас, албатта. Бу байрамларни нишонлашда инсонларнинг қалбида бир-бирига меҳр-оқибатни пайдо қилиш ва яхшиликлар улашиш бор бўлса, унга монелик йўқ. Шунингдек, ислом

дини бошқа дин вакиллари томонидан берилган ҳадяларни олиш ва улардан фойдаланишни ҳам ман қилмаган.

Исломда қўшничилик алоқаларига катта аҳамият берилади. Ушбу алоқаларни гўзал тарзда олиб бориш ҳақидаги таълимотлар тақдим этилади. Бу таълимотлар эса исломнинг ижтимоий алоқаларни имон ва гўзал ахлоқ асосида олиб боришга берган аҳамиятидан келиб чиқади. Қуръони каримнинг “Нисо” сураси 36-оятда: “Ота-онага, яқин қариндошга, етимларга, мускинларга, яқин қўшинга, ён қўшинга, ёндаги соҳибга, ўқсиз йўлчига ва қўл­нағизда мулк бўлганларга яхшилик қилинлар”.

Бу ояти қаримада Аллоҳ таоло бир неча тоифа одамларга, жумладан, ота-она, қариндошлар, яқин қўшиллар ва ён қўшилларга яхшилик қилишни амр қилган. Эътиборлиси, ояти қаримада “қўш­ни” икки хил зикр этилган бўлиб, “яқин қўшни”ни қариндош қўшни, яъни яқинлиги бор қўшни, “ён қўшни”ни эса оддий, яқинлиги йўқ қўшни, деб таъкидланган. Пайғамбаримиз алайҳиссалом қўшничилик ҳақида шундай деганлар: “*Қимки Аллоҳга ва охират кўнига имон келтирган бўлса, қўшнисига озор бермасин*”.

Бошқа бир ҳадисда қўшиллар уч тоифага — мусулмон, ғайридин ва қариндош қўшилларга бўлиниши ай­тилади. Шундан мусулмон қўшнининг — қўшничилик ва мусулмонлик ҳақлари, ғайридин қўшнининг — қўшничилик ҳақи ва қариндош қўшнининг қариндошлик, қўшничилик ва агар мусулмон бўлса, мусулмонлик ҳақлари борлиги таъкидланган.

Демак, жонажон юртимизда инсон қадри учун амалга оширилаётган ислохотлар, маънавий баркамоллик йўлида қилинаётган ушбу саъй-ҳаракатларга муносиб ҳисса қўшиш, тинч-осуда ҳаётга шукрона келтириш ҳар бир инсоннинг бирламчи бурчидир. Жамиятимизда инсон қадри унгуллар экан, унга бўлган ҳурмат ва эҳтиром ҳам юксалиб бораверади.

Инсонга бўлган эътибор унинг қарашлари, урф-одат ва қадриятларини улғулаш орқали амалга ошади. Жамиятнинг ҳар бир аъзоси қадриятларини теран англаши, тинчлик, хотиржамлик, офият ва соғлиқ неъматларининг қадрига етиши лозим бўлади. Ўтаётган ҳар бир фурсат ва вақтни ганимат билиш, ундан тўғри фойдаланиш, энг асосийси, шундай фараҳбахш, дорилармон кунларнинг қадрига етиш асосий мақсад бўлиши керак.

ТУРИЗМ

ИЛК ТАҚВИМ БИТИЛГАН СИЙПАНТОШ

ЁХУД ХОРИЖЛИК САЙЁҲЛАРНИ ҚАШҚАДАРЁ НИМАСИ БИЛАН МАФТУН ЭТМОҚДА?

Ҳисор тоғ тизмаларига туташ манзилда Қуруқсой қишлоғи жойлашган. Қишлоққа кираверишда, шундоққина катта йўлнинг чап тарафидаги тепаликда улкан Сийпантош тарихий мажмуаси мавжуд бўлиб, бугун бу ер сайёҳлар кўп ташриф буюраётган манзиллардан бирига айланган.

Ҳўш, бу жой нимаси билан қизиқ? Энг аввало, ундаги қадимий топилмалар ҳақида атрофлича тўхталсак. Мутахассисларнинг айтишича, бу ерда топилган манбалар Homo sapiens (ақли одам)нинг пайдо бўлиши ва у томонидан яратилган энг дастлабки рангли санъат асарлари уйвудга келишини исбот этадиган ажойиб ёдгорликлар сирасига киради.

Соҳа вакиллари фикрича, ўз вақтида ҳудудда яшаган ибтидоий рассом Сийпантошдаги суратларни қизил туپроқни ҳайвонларнинг ёғига аралаштириб тайёрланган қизғиш ва жигарранг тусли охра бўёғидан чиқарган.

Маҳаллий аҳолининг айтишича, минг йиллар давомида кварц тошлар орасидан оқиб ўтган қор ва ёмғир сувлари йирик харсангларни емириб, силлиқ ҳолга келтирган. Ана шу йирик тошларда расм чизиш учун текислик ҳосил бўлган. Натижада ибтидоий рассомлар қизил туپроқни ҳайвонлар ёғига аралаштириб, қизғиш ва жигарранг охра тусли бўёқ ёрдамда ҳар хил шакллар, белгилар чизган. Қизғиш охра рангларини тайёрлаш инсоният тарихидаги палеолит даври маданиятида



келган эди. Сийпантошдаги тошларда чизилган қўллаб рангли тасвирнинг энг қадимийси одам кўли ҳисобланади. Ибтидоий давр рассоми охра бўёғини тайёрлаб, унга бўялган ўз қўлини тошларга босган.

Йирик харсанглар орасида ҳўкиз ёки қадимий туёқли ҳайвон тури тасвири жуда реалистик услубда ишланганини кўриш мумкин.

Ой ва қуёш тақвимлари мавжуд бўлган Сийпантош ёдгорлиги шу манзилда яшаган ибтидоий қаби­лаларнинг узок асрлар давомидаги муқаддас макони бўлиб келган. Жумладан, ёдгорликда тошларда чизилган

26 тадан кўпроқ сурат мутахассис олимлар томонидан турлича талқин этилб келинади. Жумладан, 29 та калта чизикча ой кунлари, думалоқ шаклнинг турт қисмига бўлиниши эса йилнинг турт мавсуми ёки йил тақ­вими, ой ва қуёш тақвими, деган фикрлар мавжуд. Ёдгорликдаги геометрик тасвирлар ўша даврдаги инсон тафаккури ривожидан далолат берадиган манбалардир.

Сийпантош ёдгорлигидаги рангтасвирлар турлича талқин этилишига қарамай, олимлар томонидан Марказий Осиёдаги энг қадимий тасвирий асарлар экани тан олинади.

Жорий йил 19 сентябрь куни давлатимиз раҳбари раислигида мамлакатимиз туризм салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари юзасидан ўтказилган видеоселектор давомида туризм соҳаси бўйича мамлакатимизда олиб борилаётган ишлар хусусида тўхталиб, бу борада қилиниши лозим бўлган вазифаларни белгилаб берган эди. Жумладан, Қашқадарё вилоятида ҳам туризм йўналишида амалий ишларни янада ривожлантириш борасида тегишли кўрсатмалар берилганди. Шундан сўнг вилоят ҳокимлиги мутасаддилари тегишли тартибда чора-тадбирлар ишлаб чиқиб, бу борада жиддий ҳаракатларни бошлаб юборди.

Хусусан, жорий йилда Қашқадарёда туризм инфратузилмасини яхши­лаш, экотуризм, этнотуризм ва бошқа йўналишларда сезиларли даражада ўзгаришлар қилинди. Натижада шу йил­нинг ўзида 750 минг нафар маҳаллий, 35 600 нафар хорижий сайёх ташриф буюриб, соҳада экспорт ҳажми 8,7 миллион долларни ташкил этди. Яъни ўтган йилнинг мос даврига нисбатан маҳал­лий сайёҳлар сони 25 фоиз, хориқдан келганлар сони эса 20 фоиз ортган. Экспорт ҳажми 40 фоиз кўпайган.

— Ўн бир ярим миллион АҚШ дол­лари миқдоридagi инвестиция ўзлаштирилиши натижасида 27 та лойиҳа ишга туширилди, — дейди Қашқадарё вилоятчи ҳокимининг туризм, маданий мерос ва оммавий коммуникация масалалари бўйича ўринбосари Алишер Зокиров. — Бунинг самарасида 267 та иш ўрни яратилди. Бу эса ўтган йил­дагига нисбатан 150 фоиз кўпдир. Шунингдек, инфратузилмани яхшилаш мақсадида 18 миллиард сўм ўзлашти­рилиб, 7,7 километр масофага ичимлик сув қувурлари, 4,2 километр йўл ҳамда 5 километрга электр тармони тортилди. Шу билан бирга, Шахрисабз туризм ва маданий мерос техникуми биноси таъмирланиб, замонавий жиҳозлар билан

таъминланди. 2022 йил давомида ту­ризм ва унга ёндош соҳаларда 13 032 янги иш ўрни яратилиб, аҳоли бандлиги­ни таъминлашга ҳисса қўшилди.

Вилоятда соҳани янада ривожлан­тириш борасида тарғибот-ташвиқот ишларига ҳам кенг эътибор қаратилди. Хусусан, Туркия, Исроил, Япония, Озарбайжон ва Қозоғистон билан ҳамкорлик қучайтирилиб, жойларда қатор тадбирлар ташкил этилди. Бундан ташқари, воҳада халқаро ҳамда республика да­ражасидаги фестиваллар ўтказилди.

— 2023 йилда вилоятимизда туризм йўналишида катта ўзгаришлар бўлиши кутилмоқда, — дейди вилоят туризм ва маданий мерос бош бошқармаси бош­лиги ўринбосари Ғолиб Аллобердиев. — Белгиланган вазифаларга кўра, Китоб, Шахрисабз ҳамда Қамаши туманларида 22 та туризм маҳалласини ташкил этиш эвазига 912 та оилавий меҳмон уйи бун­ёд этилади. Китоб туманида “Қайнар” ва Шахрисабз туманида “Мираки” кластер­ларини ташкил этиш мақсад қилинган бўлиб, бунинг ҳисобидан 15 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритилади, 50 га яқин тадбиркорлик субъекти ҳамда қўшмича 300 га яқин иш ўрни очилади. Шунингдек, Китоб ту­манидаги “Қайнар” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудига 1,5 километр масофага тоғ дор йўли қурилиб, 1,5 мингга яқин ки­шининг доимий бандлиги таъминланади ва замонавий туризм мажмуаси ташкил этилади.

Туризм жаҳон иқтисодиётида юқори даромадли ва жадал ривожланиб бо­рувчи соҳадир. Шу боис, бугун Қашқа­дарёда сайёҳлик хизматларини янада юқори босқичга олиб чиқиш учун ҳара­катлар бошланган. Бу эса яқин фурсат­ларда ўз самарасини амалда намоён этиши шубҳасиз.

Ақбар РАҲМОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири